

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент тиббиёт академияси ректори

_____Л.Н.Туйчиев

«_____»_____2017 й

“Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш” интерактив хизматининг намунавий регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1 Хизмат (паспорта) номланиши

Қисқа номи: "Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш".

Кенгайтирилган номи: "Тошкент тиббиёт академияси (кейинги ўринларда - ТТА) томонидан "Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига аризаларни электрон қабул қилиш" интерактив хизмати.

1.2 Хизмат натижаси

ТТАнинг профессор-ўқитувчиларидан электрон шаклда ариза қабул қилиш

1.3 Хизмат курсатувчи

Хизмат Тошкент тиббиёт академияси томонидан кўрсатилади

1.4 Хукукий асослар

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш” тўғрисидаги 4-сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2007 йил 21август 181 -сонли қарори.

1.5 Хизматдан фойдаланувчичар

ТТАнинг профессор-ўқитувчилари

1.6 Ариза бериш муддатлари

Белгилангаи муддатларда

1.7 Бажарилиш муддатлари

Белгилангаи муддатларда

- хизматдан фойдаланиш муддатлари:
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2 Батафсил маълумот олиш

ТТАнинг расмий веб-сайти орқали

2.3 Хизмат кўрсатиш манзили хақида маълумот олиш

Тошкент тиббиёт академиясининг манзили кўрсатилади

3. Иш вақтлари ва мурожат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

ТТАнинг танлов комиссияси душанба - шанба куни соат 09-00-18-00 га қадар фаолият олиб боради. Ҳафтанинг якшанба куни иш куни ҳисобланади

3.2 . кутиш шартлари

Кутиш шартлари белгиланмаган

4.Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган хужжатлар

ЭРИ (электрон рақам имзо):
- дарслик ва ўқув адабиётлар

4.2 Хизмат тўлови

Бепул

4.3 Хизмат кўрсатиш босқичлари

- ТТАнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:
1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
 2. "Интерактив хизматлар" бўлиmidан "Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш" интерактив хизмати танланади:
 3. Аризачи шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ), лавозими хақидаги маълумотлари киритилади.
 4. Дарслик ва ўқув адабиётларининг электрон нусхаси илова қилинади.
 5. Оммавий оферта билан танишганликни тасдиқлаб. "ЭРИ билан юбориш" функцияси танланади ва ариза юборилади.

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент тиббиёт академияси

Илмий бўлим бошлиғи

_____ Р.Ж.Матмурадов

“ ___ ” _____ 2017й

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент тиббиёт академияси

Ахборот технологиялар

маркази рахбари

_____ М.И.Базарбаев

“ ___ ” _____ 2017й